



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
Ч.КА БОШЛАГАН

№ 173 (19.549).

1986 йил 26 июль, шанба

Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 24 июль куни бўлган мажлисида «Коммунист» журналининг иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Қабул қилинган қарорда жадаллаштириш стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш, социалистик жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш билан боғлиқ бўлган КПСС XXVII съездида ўртага қўйилган кенг миқёсли ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

«Коммунист» журналининг съезд илгари сурган вазифаларини ривожлантириш ва амалга ошириш, жамиятшунослик янги проблематикасини ишлаб чиқиш, янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, илмий тадқиқотларнинг амалиёт эҳтиёжларини сари қатъий бурилишни таъминлаш, кадрларимизда янгича фикрлаш ва ишлаш маҳоратини тарбиялашда яна ҳам активроқ роль ўйнаши лозимлиги қайд этилди.

Журнал жамиятшунослик соҳасидаги дидил илмий изланишни, қайта куриш давомида пайдо бўлаётган ҳамма илгор янгилликларни аниқ қўллаб-қувватлаш, қўлоқлик ва эскиликка қарши курашиш шарт. Сиёсий бюро журнал иши форма ва методларини қайта қуриш, унинг атрофига мамлакатнинг энг яхши назарий кучларини жамлашга эришиш зарурлигини қўрсатиб ўтди. Журнал партия ташкилотлари, илмий жамоатчилик билан алоқаларини мустахкамлаш бориб, сиёсий, иқтисодий ва ғоявий-тарбиявий ишларда янгича ёндашувларни ривожлантиришга қўмаклашиши, буржуа идеологиясини, реакцион назариялар ва оппортунистик концепцияларни фожатилини, ҳалқ оммасининг жонли ижоди бўлган социализмга ленинча қарашларнинг амалга оширилишига бутун чоралар билан ёрдам бериши керак.

Сиёсий бюро рўзгорбон радиотехника аппаратура-ларига техникавий фирма хизмати кўрсатишни таъкид этиш масаласини муҳокама қилди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ана шу масала юзасидан қабул қилган қароридан граждандарнинг телевизиорлари, магнитофонлари, приемниклари ва бошқа радио аппаратура-ларига техникавий хизматини анча яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланган. Ўн иккинчи беш йилликда телевизиорларга техникавий фирма хизматини ихтисослаштирилган техника-савдоси ва техникавий маркалар орқали амалга ошириш мўлжалланган, бундай маркаларни алоқа воситалари саноти, радио саноти, электрон саноти ва умумий машинасозлик министрлик-лари ташкил этмоқдалар. Маъмур маркалар давлат савдо тармоғидаги ихтисослаштирилган магазинларда телевизиорларнинг сотиш олдидан тайёрлаш ишларини ҳам амалга оширадидлар. Келажда техникавий фирма хизматининг ана шундай

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ-ҲАЁТГА!



Ҳали тонг отмасдан Амурда қирғоқдаги қодир шаҳарга гавжум бўлиб кетди. Мана тракторлар гувилади, қосилқалар ишга тушди. Ўроқчилар ҳам иш бошлаб юбордилар. Қўмқўрган райондаги ёш механизаторлар ва чорвадорлардан тўзилган ем-хашак жамғариш отряди иш бошлади.

Ёз жазирамаси иш графига ўзгариш кийрипти. Отряд асосий ишларни кун қизигунга қадар бажаришга ҳаракат қилмоқда. Кечки салқин тушгач эса, ўрилган пичан йиғиб олинади. Бунга эрталаб ўрилган ўтлар анча қуриб қолган бўлади, пичан шу ернинг ўзида прессланади. Шундай қилиб, район хўжаликларига ҳар кун 70 тонна дағал хашак жўнатилмоқда. Бунинг бир қисмидан витамин талқони ва дондор ем тайёрланмоқда.

Текис жойлардаги ўт-ўланлар механизаторлар ёрдамида ўриб олинати. Ноқулай жойларга эса ўроқчилар тушишмоқда. Ўш суръати бўшашмаслиги учун пичан тайёрловчилар ҳар икки ҳафтада алмаштиришмоқда. Уларга яхши шартот яратилганлиги ҳам ишда ёрдам беришти. Бу ерда вақтинчалик шийпонлар тикланган, иссиқ оқат ташкил қилинган. Район деҳқонлари ўроқчиларни сазавот ва ҳўл мева билан узлуксиз таъминламоқдалар, кооператорлар кундалик зарур товарларни келтириб бermoқдалар.

Б. МАХМУДОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ЕМ-ХАШАК ТЎПЛОВЧИЛАР ВАХТАСИ АМУ СОҲИЛЛАРИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1986 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорларини бажариш борасида 1986 йилнинг биринчи ярмида ҳалқ хўжалигида ижобий силжиялар рўй берди. План топириқларини бажариш яхшиланди, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатлари ўсди, ҳалқ фаровонлиги янада юксалтирилди.

Шу давр мобайнида республиканинг иқтисодий ва социал тараққиёти қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

1986 йилнинг биринчи ярмида 1985 йилнинг биринчи ярмига нисбатан процент ҳисобида	
Саноат маҳсулотини Давлат капитал маблағи ҳисобидан асосий фондларини ишга тушириш	107,6
Давлат капитал маблағларини Саноатда меҳнат унумдорлиги	103
Ишчи ва хизматчилар сони	103,6
Ишчи ва хизматчиларнинг пул биан олган ўртача иш ҳақи	102,7
Ижтимоий хўжаликда қолхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш	101,8
	103

Ижтимоий истеъмол фондларидан аҳолига берилган тўловлар ва имтиёзлар	100,7
Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти	107,9
Шу жумладан, алкоголь ичимликлар сотиш ҳажми қўшиб ҳисобланмаганда	108,5
Аҳолига қўрсатилган маънавий хизмат ҳажми	110,3
Давлат, жамоат ва кооператив корхоналар ҳамда ташкилотларнинг (шу жумладан уй-жой қурилиши кооперативлари) ва қолхозларнинг маблағи ҳисобига қуриб битказилган уй-жой биноларининг умумий санои	105

Саноат маҳсулотини 1985 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 761 миллион сўмлик қўлайди. Давлат капитал маблағи ҳисобига ишга туширилган асосий фондлар 150 миллион сўмлик ортди. Ишлаб чиқаришнинг самардорлиги ошди, экономикани бошқариш тақомиллаштирилди.

Моддий ресурслар айрим турлари иқтисод қилинди. Аммо айрим министрликлар ва идоралар энергия, ёнлғич, хом ашё ва материалларни тежаш, иккиламчи ресурсларни жалб этиш топириқларини тўла-тўқис бажарётганлари йўқ.

Ярим йилликда ишчи ва хизматчилар сони ўртача 4,8 миллион кишини ташкил этди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 124 минг киши кўп бўлди.

Иш жойлари аттестациядан ўтказилди. Хўжалик юритишнинг пировард натижаларини яхшилашга қаратилган меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илгор формалари йили давом эттирилди.

Шу билан бир қаторда бир қанча министрликлар июнь ойида ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини пасайтириб

ЎРТОҚ

М. С. ГОРБАЧЕВ

ВЛАДИВОСТОККА

ЖУНАБ

КЕТДИ

25 июль куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Москвадан Владивостокка жўнаб кетди.


ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАҲСУЛОТ

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнат-кашларига Мурожаатномасидан руҳланган Фарғона химиявий тоғалар заводи коллективи ярим йиллик топириқни барвақт бажариб, планга қўшимча 20 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарди. Бундай муваффақиятга ишчилар сонини оширмаган ҳолда асбоб-ускуналардан иттифоқий фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини тинимсиз ошириб бориш орқали эришилмоқда.

Корхона меҳнат ахли съездлар йилнинг катта зафарлар билан яқунлаш, топириқларини барвақт бажариш учун социалистик муСОБАҚА фойдаланишга иттифоқдалар. Меҳнат коллективлари ва илгор ишчилар йиллик топириқнинг Улуғ Октябрнинг 69 йиллиги кўнганга бажаришга аҳд қилганлар.

Суратларда: 1. Илгор калавалоччи Людмила Лупова. Чакқон ишчи ҳар савоатда планга қўшимча 45 килограмдан юқори сифатли калава топириқига муваффақ бўлмоқда. 2. Тўқимачилик цехининг умумий кўриниши.

Ш. Олимов фотолари
(ЎзТАГ).



СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛГОРЛАРИГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ КАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ишлаб чиқаришдаги гоят катта ютуқлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни қўпайтириш юзасидан ўн биринчи беш йиллик топириқларини ва социалистик мажбуриятларини, муддатидан илгари бажарганликлари ҳамда шавкатли меҳнатлари учун қуйидагиларга Социалистик Меҳнат Каҳрамони унвони берилиб,

Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медали топирилсин:

Маткаримов Аллом — Хоразм область Гурлан районидagi «Коммунизм» қолхозининг бригадери.

Саулякин Павел Фёдорович — Топкич область Чиноз районидagi «Октябрь 40 йиллиги» қолхозининг раиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАВИЛИ.
Москва, Кремль 1986 йил 24 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

25 июль куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико раислигида СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Президиум Грузия ССР халқ депутатлари Советларининг КПСС XXVII съезди талаблари асосида депутатлик гуруҳлари, постлари ҳамда жамоат фаолияти органларининг ишига раҳбарлик қилиш практикаси тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Муҳокама

этилган масала юзасидан қарор чиқарилди. Бу қарор матбуотда эълон қилинади. СССР Қонун ақтларини ва СССР ҳукумати қарорларини тайёрлашнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган план лойиҳаси тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди, давлат ҳаётига оид бошқа баъзи масалалар кўриб чиқилди.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилишда П. Н. Демичев, Б. Н. Ельцин, Н. Н. Слюньков, Ю. Ф. Соловьев ўртоқлар қатнашдилар.

(ТАСС).

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ЙИЛГА ТЕНГЛАШАДИГАН ЯРИМ ЙИЛ:

НАВОЙИДА

Ўрта осийлик бинокорларга миллион тонна цемент ортиб жўнатилди. Яқиндагина шу иш учун бир йил керак бўларди. Эндилкида Навоий цемент заводи коллективи бу ишни атиги 6 ойда бажариб қўйди. Шундай қилиб, социалистик мажбуриятларнинг меҳнат унумдорлигини жадал ўстиришдан иборат муҳим бир банди бажарилди.

Бундан беш йил аввал машина-ускуналарни ҳисобдаги режимида сира ҳам чиқариб бўлмаганлигини корхонадагилар яхши эслашадди. Эндилкида эса лойиҳадаги қувват ҳам ошириб бажарилиди. Технологик линияларини реконструкция қилиш муваффақиятга эришилган ёрдам берди. Реконструкциялаш ишлари тез ва зўр ғайрат билан ўтказилди, чунончи асосий цехларнинг бир йўла ҳамма бригадалари пудрат билан ишлашга ўтди. Эндилкида улар муқобил планларга мувофиқ ишламоқда.

УРГАНЧДА

Токарь Владимир Филиппов партия XXVII съезидан кейин (У шу съезд делегати бўлган) икки шахсий беш йиллик планини бир беш йилликда бажаришга сўз берди. Мана у дастлабки муваффақиятга эришди: биринчи йиллик план бажарилди!

Ургачч ремонт заводида Володя Филипповнинг фазилатларини ҳар бир киши яхши биледи.

Унинг станогини эски, бошқа

киши бундай станокда ишламайди, деб туриб олган бўлар эди. Лекин Филиппов станогини шундай тез юргизиб бошладики, янгисиде ҳам бунга эришиш амри маҳол эди. Хўш, бунинг сирини нимада! Мастер машинани доимо тартибда сақлашни билди. Машина тез юрар экан, кескин тез-тез алмаштиришга вақт кўп кетарди. Лекин Филипповда бундай эмас. Унинг кескиси сунъий олмоси бўлган алоҳида кескидир. Бу кески аввалгисидан бир неча баравар чидамли бўлиб новатор уни заводда биринчи бўлиб ўзлаштирди. Шунинг учун ҳам у советлаб вақт ютди.

В. Филиппов тежаб-тергаш жиҳатидан ҳам ҳаммага ўрнак бўла олди. Масалан, унинг тақлифига бинао технологик тележаларнинг плиталари қилинган 50 миллиметр эмас, балки 30 миллиметрли заготовалардан қирқила бошланди. Шундай қилиб, завод ҳар йили қириндига кетадиган икки тонна металл тежаб қолмади бўлди. Владимир шунга эришиш учун темирчиликка мурожаат этди. Эндилкида қалин металл пластини аввал болге тўқмоқ остига юборилиб, у ерда керакли қалинликкача туширилади, шундан кейинги не кески остига қўйилади. Володя шу заготоваларни токарлик станогинида пармалайдиган мосламани ҳам ўйлаб топди. Илгари бу иш пармалаш станогинида қилинар ва иш уну-ми икки баравар паст эди. Шундай қилиб, бир йилда икки минг сўм тежабдиган бўлди.

В. Филиппов ўз санъатини ёндаи ишлётган ўн нафар ёш токарга ўргатди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Савдо ва тараққиёт конференциясининг бош секретари Кеннет Дадзени Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. У республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини, янги қурилишлар районларини кўздан кечирди.

24 июль куни Кеннет Дадзени Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огаров қабул қилди.

Меҳмон Бухоро ва Самарқандга сафар қилди.

(ЎзТАГ).

МУКОФОТЛАР ТОПИРИЛДИ

24 июль куни Ўзбекистон Компартиясини Марказий Комитети наشريётининг бир гуруҳа ишлаб чиқариш илгорларига давлат мукофотлари топирилди. Улар ўн биринчи беш йиллик топириқларини ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун ана шу мукофотларга сазовор бўлишган эди.

Наشريёт босмахонасининг ҳарф терувчиси В. А. Костюкка Ватаниннг олий мукофоти — Ленин ордени берилди.

СССР ордени ва медалларини Ўзбекистон Компартиясини Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева топириди.

(ЎзТАГ).

ХҲРДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

ВЦСПСнинг тақлифига бинао Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Умумхитой Касаба союзлари федерациясининг делегацияси Ўзбекистонга келди. Делегацияга Машинасозлик ва металлургия ишчилари касаса союзи Умумхитой комитетининг раиси Чжан Цунъянь бошчилиги қилмоқда.

Делегация Ўзбекистон ССР Олий Совети Президи-

умида қабул қилинди. Меҳмонлар СССР 50 йиллиги номли «Топкич трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдилар.

25 июль куни Хитой делегацияси аъзолари Ўзбекистон касаса союзлари республика Советида бўлиб, Узопровф раиси Ҳ. А. Алимова билан суҳбатлашдилар.

(ЎзТАГ).

(Давоми учинчи бетда).

КАСАБА СОЮЗ ХАЁТИ

[illegible]

рилди ва жиноий жавобгар-лар орасида атеистик тар-религиозлигини ва ҳужумкорлигини ошираверди.

ЖАДАЛЛАШТИРИШ СУРЪАТЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Қурилишда ишларни ташкил этишнинг илғор технологияси ва самарали методлари жорий этилди, ун янада индустриалаштириш тадбирлари амалга оширилди. Технология устунасини йирик блоклар тарзида монтаж қилиш ҳажми ортди ҳамда прогрессив материаллар ва конструкциялардан фойдаланиш кенгайди.

Шу билан бир қаторда бир қанча министрликлар фан ва техникавий ривожлантириш ланини бажармадилар. Машинасозлик маҳсулотини янгилаш суръатлари етарли эмас. Ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишни яхшилашда резервлар мавжуд.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашда туб ўзгаришлар таъминланмади. Химия, нефть химияси, Станоксозлик ва Мебель саноати министрликларида олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан план топшириқлари бажарилмади. Енгил саноатда ва айнақса, кийим-кечак ҳамда пойабзал тайёрланадиган корхоналарда маҳсулот сифати яхшиланимади.

II. САНОАТ

Саноат маҳсулоти умумий ҳажмининг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йиллик пландаги 4,8 процент ўрнига 7,6 процентини ташкил этди.

Маҳсулот реализация қилиш ярим йиллик плани 103 процент бажарилди. Буюмларнинг қўлчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш топшириқлари ошириб адо этилди.

Айрим тармоқлар бўйича маълумотлар қуйида келтирилди:

1986 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш ҳажми	1985 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш ҳажми	1986 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш ҳажми
Оғир саноат	108	108
Шу жумладан:		
Машинасозлик комплекси	107	107
Конструкция материаллар ва химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқариш	109	109
Шулардан:		
Қора ва рангли металлургия	105	105
Химия ва нефть химияси саноати	120	120
Ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати	106	106
Биокорлик материаллари саноати	103	103
Ўқилган-энергетика комплекси	108	108
Шундан:		
Электр энергетикаси	107	107
Ўқилган саноати	109	109
Енгил саноат	108	108
Шундан:		
Пахта тозалаш саноати	112	112
Агро-саноат комплексининг озиқ-овқат саноати	105	105
Шундан:		
Озиқ-овқат саноати	104	104
Ўғит ва сут саноати	105	105
Балиқ саноати	112	112

Саноатда меҳнат унумдорлиги 5,6 процент ўсди, ишлаб чиқариш ўсишининг 74 процентига шу ҳисобдан эришилди.

Умуман саноат бўйича ва қўлчилик министрликларда меҳнат унумдорлигининг ўсиши ўртача иш ҳақи ўсишидан илдамроқ бўлди.

Саноат маҳсулоти таннархи бўйича план топшириқлари бажарилди.

Министрликларда саноат маҳсулотини реализация қилиш ланининг бажарилди, ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари тўғрисидаги маълумотлар қуйидагича:

Маҳсулот реализация қилиш ярим йиллик планининг бажарилиш проценти	1986 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш ҳажми	1985 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш ҳажми	1986 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш ҳажми
Умумий маҳсулот	104	101	101
Нефть саноати	108	119	118
Газ саноати	100,8	115	113
Химия саноати			
Минерал ўғит ишлаб чиқариш	100,4	127	119
Электротехника саноати	98	107	105
Химия ва нефть машинасозлиги	105	107	107
Станоксозлик ва асбобсозлик саноати	101	108	110
Автомобиль саноати	100,5	103	104
Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	102	106	105
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги	104	104	103
Медицина ва микробиология саноати	98	109	105
Итифок-республика ҳамда республика министрликлари ва идоралари			
СССР Қора металлургия министрлиги	104	108	108
СССР Рангли металлургия министрлиги	101	105	104
СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги	102	97	97
СССР Қўмир саноати министрлиги	114	102	98
Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги	102	106	104
Ўзбекистон ССР Биокорлик материаллари саноати министрлиги	100,4	103	105
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги	100,4	106	107
Ўзбекистон ССР Давлат агро-саноат комитети	105	108	107
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги	101	106	104
Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитети	111	102	102

Саноатни бошқариш структураси такомиллаштирилмоқда, маҳсулот умумий ҳажмининг қарийб ярмини ишлаб чиқараётган саноат бирлашмалари ва корхоналарнинг учдан бири хўжалик юртишнинг янги шартларида ишламоқдалар. Қўлчилик министрликларда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиш даражаси ошди.

Қорақалпоғистон АССР, ҳамма областлар ва Тошкент шаҳрида саноат янада ривожлантирилди. Маҳсулот реализация қилиш ланининг бажарилиш кўрсаткичлари ва ўсиш суръатлари қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

Маҳсулот реализация қилиш ярим йиллик планининг бажарилиш проценти	1986 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш ҳажми	1985 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш ҳажми	1986 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш ҳажми
Қорақалпоғистон АССР	103	105	101
Андижон области	103	100,5	94

Бухоро области	103	119	119
Жиззах области	101	120	117
Қашқадарь области	104	124	124
Навоий области	99	110	107
Наманган области	103	105	99,8
Самарқанд области	103	104	103
Сурхондарь области	105	114	110
Сирдарь области	102	111	111
Тошкент области	102	106	105
Фарғона области	103	107	105
Хоразм области	112	109	105
Тошкент шаҳри	102	105	104

Умуман республикада маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

1986 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш ҳажми	1985 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш ҳажми	1986 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш ҳажми
Машинасозлик комплекси		
Куч трансформаторлари, минг киловольт-ампер	3823	99
Бронекабель, минг километр	10,3	101
Компрессорлар, минг дона	5,8	100,4
Тракторлар, минг дона	13,3	101
Трактор сепаллари, минг дона	4,1	103
Трактор культиваторлари, минг дона	12,0	104
Пахта териш машиналари, минг дона	4,5	97
Электр қўприк кранлари (шу жумладан махсус кранлар), дона	737	101
Экскаваторлар, дона	766	97

Конструкция материаллар ва химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқариш		
Минерал ўғитлар (юз процент озуқа моддасига айлантириб ҳисоблаганда), минг тонна	880,2	118
Сульфат кислота, минг тонна	1206,3	114
Химиявий тола ва ип, минг тонна	21,1	113
Қоғоз, минг тонна	12,9	103
Картон, минг тонна	27,6	103
Йиғма темир-бетон конструкциялар ва буюмлар, миллион куб метр	3,1	102
Шифер, миллион шартли плита	221	105
Йиғма-бетон шифер, миллион дона	995	100,0
Ўқилган-энергетика комплекси		
Электр энергия, миллиард киловатт-соат	26,3	108
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш		
Ип-газлама, миллион квадрат метр	179,5	103
Шойи газламалар, миллион квадрат метр	66,8	94
Нотўқима материаллар, миллион квадрат метр	65,8	116
Пайпоқлар, миллион жуфт	36,2	121
Йиқилма трикотаж, миллион дона	25,1	128
Устки трикотаж, миллион дона	10,6	104
Пойабзал, миллион жуфт	18,1	103
Чинни-фаянс идиш, миллион дона	32,5	101

Нефть, газ, қўмир қазиб олиш, электр энергия ҳосил қилиш, пўлат, прокат, минерал ўғитлар, сульфат кислота, трактор, трактор культиваторлари, пахта териш ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари, цемент ишлаб чиқариш лани бажарилди.

Қўпгина халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш топшириқлари ошириб бажарилди. Плавга қўшимча 1,1 миллион дона ички ва устки трикотаж, 1,1 миллион жуфт пайпоқлар, 368 минг жуфт пойабзал, 343 минг дона чинни-фаянс идишлар, 1,3 миллион сўмлик мебель ва бошқа қўллаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Саноат ишида камчиликлар содир бўлди. Умуман саноатда маҳсулот етказиб бериши ҳам ҳисоблаганда, маҳсулот реализация қилиш лани 98,7 процент бажарилди. Шартномавий ва нарядлар номенклатураси бўйича 123,2 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди, ҳар тўрт саноат қорхонасидан биттаси шартнома интэгомини бўлди. Электротехника, Енгил ва Маҳаллий саноат министрликлари қараши ишлашмалар ва корхоналар маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномавий мажбуриятларини адо этишда анчагина қўлоқчилик йўл қўйилди.

Ўзгарувчан ток электр двигателлари, дизеллар, синтетик аммиак, химиявий тола ва ип, ип-газлама ва шойи газламалар планда белгиланганидан камроқ ишлаб чиқарилди.

Бир қанча бирлашмалар ва корхоналар аҳоли ўртасида харидорлиқ бўлмаган, сифати паст халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни давом эттирдилар.

Меҳнатни ташкил этишнинг янги, самарали формалари саноатда секинлик билан жорий этилмоқда. Бир қанча министрликлар ва идораларда қараили корхоналар ва бирлашмалар янги ишга солинган ва реконструкция қилинган қувватларини ўста ўзлаштирилди, моддий ресурсларини тежаш, таннархи арзонлантириш ва жамғарма топширигини бажармадилар.

III. АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

Ўзбекистон ССР Давлат агро-саноат комитетининг қишлоқ хўжалик корхоналари қўлағи дала ишларини ушшоқчилик билан ўтказилди. 1986 йилги қишлоқ хўжалик экинлари майдони 3,9 миллион гектарини ташкил этди. Ўтган йилдаги нисбатан техника ва озуқа экинлари, картошка ва сабзавот майдонлари кенгайди.

Барча қолхозларда, давлат хўжаликлариди ва хўжаликлараро қишлоқ хўжалик корхоналарида экинлар парвариш қилинмоқда, личан ўриб олинмоқда ва ем-хашак тайёрланмоқда. Дончилик хўжаликлариди бошқили экинлар йиғиштириб олинмоқда, ўзгалик фонди ғамланмоқда ва давлатга дон сотилмоқда.

Қолхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда маҳсулдор чорва моллар ва паррандалар сони қуйидагича бўлди:

1 июлга	1985 йил	1986 й.
Қорамоллар	1712,2	1684,9
Шу жумладан, сиғирлар	456,8	443,7
Қўчалар	538,3	575,5
Қўй ва эчкилар	6889,6	6661,6
Парранда	31261,0	31437,8

Шу йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалик корхоналарида сут ва туҳум етиштириш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайди.

Барча категориялардаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш қуйидагича бўлди:

Биринчи ярим йиллик	1985 й.	1986 й.
Чорва ва парранда (тирик вазнда), минг тонна	167,6	171,9
Сут, минг тонна	366,0	409,8
Туҳум, миллион дона	581,7	616,7
Жүн, соф толага айлантирганда, тонна	9167	9670

Агро-саноат комплекси қайта ишдош тармоқларининг хўжалик маҳсулот ишлаб чиқаришнинг планлаштирилган ҳажмларини асосан таъминлашди:

1986 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш ҳажми	1985 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш ҳажми	1986 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш ҳажми
Пахта толаси, минг тонна	908,5	107
Ўғит (саноатда ишлаб чиқарилган), минг тонна	125	99,6
Қолбаса маҳсулотлари, минг тонна	28,5	104
Мол ёғи, минг тонна	6,2	140

Қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти сутга айлантириб	298,6	107
Хисоблаганда, минг тонна	15,4	98
Маргарин маҳсулоти, минг тонна	280	111
Ўсимлик ёғи, минг тонна	38,5	99,3
Макарон маҳсулотлари, минг тонна	89	103
Кондитер маҳсулотлари, минг тонна	148	115
Консервлар, миллион шартли банка	7050	129
Алкогелисз ичимликлар, минг декалитр	97,2	151
Минерал сув, миллион ярим литрлик		

Ўликер-арақ ва виночилик маҳсулоти ишлаб чиқариш янада камаймоқда.

Агро-саноат комплексининг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Қишлоқ хўжалигида техниканинг асосий турларини ва химиявий озуқа қўшимчаларини етказиб бериш лани бажарилди. 7,7 мингга трактор, 863 та дон комбайни, 397 та силос ва личан ўрадиган, 130 та макмакхўхори йиғиштирадиган комбайн, 236 та ўроқ машина, 3,7 мингга трактор плуги, 6,5 мингга культиватор, 3,6 мингга сепал, 2,5 мингга косилка, 959 та тупроққа минерал ўғит солади-дан машина, 668 та пресс-подборщик, 90 та дон тозалайди-дан машина, 2,1 мингга пахта териш машинаси етказиб бери-ди. Қишлоқ хўжалиги 727 минг тонна минерал ўғит (100 процент тўйимли моддага айлантириб ҳисоблаганда), 3,1 минг тонна химиявий озуқа қўшимчаси олди.

Озиқ-овқат программаси бажарилишини таъминловчи тармоқларини ривожлантиришга сарфланган капитал маблағлар 1,7 миллиард сўмни ташкил этди.

9,7 минг қорамол боқишга мўлжалланган молхона, 7,7 минг қўй боқиладиган қўйхона ва 38 минг парранда боқишга мўлжалланган бинолар қурилди.

27 минг гектар янги сўғориладиган ер фойдаланиш учун қабул қилинди, 75 минг гектар яёловга сув чиқарилди. 43 минг гектар майдондаги сўғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолати яхшиланди, 35 минг гектар майдондаги сўғориладиган ерлар яхшилаб текисланди, 420 минг гектар майдондаги илгари сув чиқарилган яёловларда сув-хўжалик иншоотлари реконструкция қилиниб, 67 минг гектар майдонда сўғориш системаларини қайта қуриш ва уларни сув билан таъминла-шини яхшилашга оид ишлар амалга оширилди.

Қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти тайёрловчи қувватлар ишга туширилди. Минерал ўғит, ёрма маҳсулотлар сақлана-диган механизациялаштирилган омборлар, теғирмон корхо-налари ва бошқа объектлар фойдаланишга топширилди.

Умуман республикада давлат йўли билан сут ва жун харид қилиш ярим йиллик лани бажарилмади. Бир қанча қолхоз ва совхозларда тайёрланаётган ем-хашак сифатини яхшилаш юзасидан зарур чоралар қўрилмапти.

Қўпгина хўжаликларда қишлоқ хўжалигида ажратилаёт-ган моддий ресурслардан ҳамма ҳам самарали фойдала-ниди, деб бўлмайди, техникани сақлаш ва ундан фойдала-нишда камчиликлар ҳамон учраб туриди, минерал ўғитни сақлаш, ташиш ва далаларга солишда, қишлоқ хўжалик маҳсулотини йиғиштириб олишда нобудгарчиликка йўл қўйил-ди. Маҳсулотини қайта ишловчи тармоқларнинг айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқардилар.

IV. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Ўзбекистон территориясида жойлашган Ўрта Осиё темир йўлининг бўлимчалари халқ хўжалик юкларини ташиш ярим йиллик ланини бажардилар. Ҳаракат составидан фойдаланиш кўрсаткичлари бирмунча яхшиланди: йўлнинг Ўзбекистон территориясида жойлашган барча бўлимларида юк вагонининг статик обороти, юк ташиш участка тезлиги, ло-комотивнинг ўртача суткалик иш унуми ярим йиллик топшириғи ошириб бажарилди. Бироқ ағон ва локомтивларнинг ўртача суткалик иш унуми топширигини йўлнинг барча бўлимлари бажарди, деб бўлмайди. Вагонларнинг республи-ка корхоналари ва ташкилотларининг шох йўлларида нор-мадан ортиқ туриб қолиши давом этмоқда.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти пассажир ташиш ва енгил таксомоторларнинг пуллик қатнови ярим йиллик лани бажарилди, шу билан бирга юк ташиш, юк обороти ва пассажир обороти лани бажарилмади.

Ҳаракат составидан фойдаланишда автомобилларнинг ремонтда ва ремонт қутиб, шунингдек, туппа-тузук ҳолда ҳам нормадан ортиқ туриб қолишга йўл қўйилди. Юк авто-мобиллари ва енгил таксомоторлар паркидан фойдаланиш коэффициентини планга нисбатан ва ўтган йилнинг январь — июнь ойлариди эришилган даражадан камайди, автобуслар паркидан фойдаланиш коэффициенти планлаштирилган даражадан паст бўлди.

Ҳаво транспорти пассажир обороти, пассажирлар ташиш, юк ташиш, шунингдек, халқ хўжалиги тармоқларига авиа-ция хизмати ишлари ҳажми январь — июнь ойлари ланини ошириб бажарди. 1986 йилнинг биринчи ярмида 2,5 миллион киши манзилга етказиб қўйилди.

Алоқа корхоналари (почта, телеграф, телефон, радио) да-ромад ланини бажарди. Ўтган йилнинг биринчи ярмидаги нисбатан даромад қарийб 6 процент кўпайди. Шу билан бир-га уларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш талаб қилинади.

V. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Давлат капитал маблағлари ҳисобидан 2 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди.

Тошкент областидаги янги Ангрэн ГРЭСиди иккинчи тур-бина ва Тошкент шаҳридаги ҳамма блок ўзисозлик экспе-риментал заводи ишга туширилди. Намангандаги «Пятилет-ка» нотўқима материаллар фабрикасида нотўқима материал-лар цехининг қувватлари оширилди. Қўноқ пайпоқ-йиғирув комбинатининг Горскийдаги филиалида йиғирув урчуқ-лари ҳамда Ёғиқдувон ва Жарқўрғондаги туқув фабрикала-рида туқув станоклари ўрнатилди.

2,7 миллиард сўмлик давлат капитал маблағи ён 1985 йилнинг шу даврига нисбатан 90 миллион сўм кўп давлат капитал маблағи ўзлаштирилди. Мавжуд корхоналарни ре-конструкция қилиш ва техникавий жиҳатдан қайта жиҳоз-лашга сарфланган капитал маблағлар 483 миллион сўмдан ошиб кетди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 про-цент кўпайди.

Давлат қурилиш-монтаж ташкилотлари бажаряётган пу-дат ишлари ҳажми 3,4 процент ўсди. Иш ҳажми ланини бажармаётган ташкилотлар сони камайди.

Қурилишда жиддий камчиликлар мавжуд. Асосий фонд-ларни ва бир қанча ишлаб чиқариш қувватларини фойдала-нишга топшириш лани бажарилмади.

Бир вақтинчи ўзида қурилаётган объектлар сони ҳамон қўлғишга қолмоқда. Қурилиш министрликларини моддий-тех-ника ресурсларини ишга тушириладиган объектларга жа-млашди, бу эса объектларни ишга тушириш лани бажари-лмаганлигининг асосий сабабларидан бири бўлди.

Бир қанча қурилиш ташкилотлари иш ҳақининг меҳнат унумдорлигига нисбатан илдам ошиб боришга йўл қўймоқ-далар. Молиявий натижадан бўйича планларни бажармапти-лар.

VI. ХАЛҚНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ

Биринчи ярим йилликда экономикани юксалтириш асоси-да КПСС XXVII съезди қабул қилган социал ривожланиш ва халқ фаровонлигини ошириш программаси рўбга чиқарила бошлди.

Халқ хўжалигида меҳнат шартинини, характерини ва маъ-

муинини яхшилаш, қўл меҳнатидан, кам малакали меҳнатдан фойдаланишни қисқартириш тадбирлари амалга оширилмоқ-да.

Аҳолининг даромадлари ошди. Халқ хўжалигида ишчи ва хизматчиларнинг пул билан тўланадиган ўртача иш ҳақи 1985 йилнинг биринчи ярмидаги 162 сўм ўрнига 165 сўмни ташкил этди. Қолхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш 3 процент кўпайди.

Илмий-тадқиқот, конструкторлик ва технология ташкилот-лари, саноат корхоналари, Ўзбекистон ССР Фанлар акаде-мияси ҳамда бошқа бир қанча министрликлар ва идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги шартларида ўти-ла бошланди. Саноат бирлашмалари, корхоналари ва ташки-лотлари мастерларининг иш ҳақига қўшимча ҳақ тўланади-ган бўлди. Енгил саноатдаги айрим касб ишчиларининг та-риф ставкалари оширилди. Тиқувчилик, пойабзал ва чарм-қўн саноатида кўп йил ишлаганлик учун мукофотлар белги-ланди ва туғни вақтларда ишлаганлик учун тўланадиган қўшимча ҳақ ошдирилди. Бошқа бир қанча категориядаги хо-димларнинг ҳам меҳнатига ҳақ тўлаш кўпайтирилди. Юқорида-ги тадбирлар меҳнат коллективлари ишлаб топан маблағ-лар ҳисобига амалга оширилди.

Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан 3,3 миллиард сўмликдан ортиқ, ён ўтган йилнинг биринчи ярмидаги нисбатан 23 миллион сўмлик кўп тўловлар ва имтиёзлар олди. Ана шу тўловлар ва имтиёзларни ҳисобга олганда ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи оғига 246,5 сўмни таш-кил этди.

Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг фарзанд-ларига давлат йўли билан тўланадиган ойлик нафақа миқ-дори кўпайтирилди. Аҳолига ижтимоий истеъмол фондлари-дан бериладиган тўловлар ва имтиёзларни кўпайтиришга оид бошқа тадбирлар амалга оширилди.

